



141100, Нурабад шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2-уй,
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurabod@samarqand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurabod@samarqand.uz

2017 йил 13 март

№ 244-4

**Фукаро Эштурдиев Учкунга
Жом МФЙ худудидан Дорихона
биноси қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги №1 сонли баённомаси ижросини тامينлаш мақсадида Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда танлов ғолиби Эштурдиев Учкуннинг аризасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси тасдиқланиб танлов ғолиби Эштурдиев Учкунга Жом МФЙ худудидан танловга қўйилган 0,007 га ер майдонига дорихона биноси қурилиши учун ажратилсин.

2. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев), туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев) билан биргаликда ажратилаётган ер майдонида объект қурилишини лойихалаштириш, лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашда шунингдек қурилиш ишлари амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан назоратчи таъминласинлар.

3. Танлов ғолиби Эштурдиев Учкунга икки ой муддат ичида вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишилган ҳолда АРТ ва лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлатиб, экспертиза хулосасини олиш ва ДАҚН инспекциясидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 3 (уч) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг ўринбосари М.Раимшукуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов